

## ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ БЎЛАЖАК ТАРБИЯЧИЛАРИДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПОНЕНТЛАРИ

Азизов Обид Эргашжанович  
ЖизПИ

### АННОТАЦИЯ

Мақолада педагогика коллежи ўқувчиларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш компонентлари, касбий фаолиятга тайёрлашга қўйиладиган компетенциявий, рефлексив, акмеологик, креатив, психологик талаблар мажмуаси анъанавий ва инновацион таълимнинг қиёсий таҳлили ва стратегик адекват мезонлар асосида такомиллаштириш кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** коммуникатив компетенция, коммуникатив-хулқ-атвор, дискурсив-лингвистик, ижтимоий-маданий, алоқа тармоғи, интеллектуал маълумотлар, шахсий-психологик, рефлексив, акмеологик, креатив.

Муҳтарам юртбошимиз ташаббуслари билан 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли қарорининг амалга тадбиқ этилиши бугунги кунда давлат тасаруфидаги ва нодавлат таълим муассасалари сонининг ортишига, тарбияланувчиларни қамраб олиш кўрсаткичларининг ошишига, шунингдек мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан қизиқувчи инсонларнинг ҳам кўпайишига туртки бўлмоқда.

Жумладан, бўлажак мактабгача таълим мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлашга қўйиладиган компетенциявий, рефлексив, акмеологик, креатив, психологик талаблар мажмуаси анъанавий ва инновацион таълимнинг қиёсий таҳлили ва стратегик адекват мезонлар асосида такомиллаштириш, бўлажак мактабгача таълим мутахассисларини касбий инновацион фаолият (тузилмаси, босқичлари, амалиёт ва баҳолашга)га тайёрлашга хизмат қилувчи касбий ва шахсий омиллар (жадаллик, демократик услуб, ташаббускорлик ва тадбиркорлик)нинг аҳамиятли жиҳатларини илмий асослаш, бўлажак тарбиячиларни инновацион касбий фаолиятга тайёргарлигини комплексив қамраб олувчи ўйинли, соғломлаштирувчи, кооператив таълим, ахборот технологиялари, коррекцион-ривожлантирувчи таълимий технологияларнинг

имкониятлари (субъект-субъект қайтар алоқа, интеллектуал мониторинг, табақалаштирилган ўқитиш, яширин иқтидорлар селекцияси) такомиллаштириш, бўлажак мактабга таълим мутахассисларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнинг педагогик-психологик хусусиятлари, жамиятнинг ижтимоий буюртмаси ва компетенциявий ёндашуви педагогик амалиёт жараёнида машғулотларни лойиҳалаш, ташкил этишга оид касбий билимларни ташхислаш ҳамда коррекциялаш асосида аниқлаш механизмлари назария ва амалиёт бирлиги тамойилига таянган ҳолда ишлаб чиқиш, бўлажак мактабгача таълим мутахассисларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш йўналишлари (танқидий таҳлил, индивидуал йўл харита, ностандарт фаолият ва натижаларни тижоратлаштириш) касбий етуклик мезонлари (продуктив, эвристик ва креативлик)ни белгилаш каби янгиликлари орқали бўлажак тарбиячиларни шакллантириш бўйича олимларимиз томонидан амалга оширилаётган ишларни ҳам кўришимиз мумкин бўлади [2].

Ҳар бир касб эгаси борку касбий фаолиятида мулоқат ва коммуникация воситаларидан фойдаланишга эҳтиёжни сезади. Мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак тарбиячилари касбий фаолияти самарадорлиги ҳам коммуникатив компетенциянинг ривожланганлик даражаларига боғлиқдир.

Коммуникатив компетенцияни ўрганишнинг кўплаб ёндашувлари ва йўналишлари мавжуд. Шу билан бирга, компетенциянинг ўзига хос таърифи йўқ. Масъулиятли психологияда биринчи марта компетенция ҳақида А.А. Бодалев шахснинг бошқа шахслар билан самарали алоқа ўрнатиш қобилияти, кўникма ва билимлар мавжудлигида бошқа одамлар билан муносабатлар ва алоқаларни сақлаб туриш сифатида белгилайди [3].

Н.В. Шкроб шахснинг ҳиссий тажрибаси ва билимига асосланган ижтимоий муҳит шароитлари, шахслараро муносабатлар ва руҳий ҳолатларнинг ўзгариши шароитида ўзини ва бошқаларни тушуниш қобилияти туфайли бошқалар билан самарали муносабатда бўлиш қобилияти, мулоқотнинг турли ҳолатларида шахснинг йўналиши сифатида белгилайди [4].

Коммуникатив компетенция маълум бир тузилишга эга бўлиб, унда барча таркибий қисмлар бир бутуннинг қисмлари бўлиб, бир вақтнинг ўзида ўзаро таъсир қилиш, ҳар бирининг бир бутун сифатида мавжудлигини назарда тутати. Бу шуни англатадики, бир компонентнинг мазмуни ва моҳияти бошқалар билан ўзаро таъсир қилиш орқали очилади.

Бўлажак тарбиячиларнинг коммуникатив компетенцияси аҳамияти ҳозирги босқичда услубий, илмий-назарий ва меъёрий даражаларга асосланиб касбий стандарт ривожланган компетенцияларни, шу жумладан коммуникатив

қобилиятларни талаб қилади, бошқа томондан, деярли барча тарбиячилар технологиялар, шакллар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш усулларининг мавжуд стереотипларини ўрганиш, диалогни етарли юқори даражада ташкил эта олиш, касбий мулоқот соҳасидаги билимларни ошириб бориш, бошқаларнинг хатти-ҳаракатларига реакция билдира олиш, самарали тинглаш кўникмаларига эга бўлиш, шунингдек бўлажак тарбиячилар ҳар доим ҳам ўз ҳаракатларини тўғри баҳолай оладиган даражага чиқишига таъсир кўрсатадиган бир қанча компонентлар боғлиқлиги асосида ривожлантириш йўллари:

Компонент	Компонент таркиби
1	2
Коммуникатив-хулқ-атвор	Фикрни мантикий ифодалаш қобилияти, мулоқот услубини танлаш, алоқаларни ўрнатиш қобилияти, тинглаш ва эшитиш қобилияти ва бошқалар.
Дискурсив-лингвистик	Тилнинг лексико-грамматик ва фонетик меъёрларини билиш, нутқнинг ижодий ифодасига эга бўлиш, ёзма ва оғзаки матнларни белгиланган мақсадга мувофиқ равишда малакали қуриш қобилияти ва бошқалар.
Ижтимоий-маданий	Удумлар, урф-одатлар, менталитетни билиш; ижтимоий-маданий меъёрларга риоя қилиш; мулоқотнинг оғзаки бўлмаган шакллариغا эга бўлиш.
Алоқа тармоғи	Болаларга хос фикрий нутқини ўзлаштириш
Интеллектуал маълумотлар	Мослашувчанлик ва ностандарт фикрлашда намоён бўладиган ижодий фикрлаш, билимларни самарали бошқариш қобилияти
Шахсий-психологик	Конфликтли вазиятда мулоқот қилишни билиш, шахснинг психологик хусусиятларини, самарали ўзаро таъсир қилиш қоидалари ва тамойилларини билиш.
Мотивацион-рефлексив	Ўзининг мулоқот қобилиятини таҳлил қила олиш ва аниқлаш қобилияти, мулоқот жараёнини бошқариш кўникмалари ва бошқалар.

Педагогика коллежи мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак мутахассисларининг касбий фаолиятига тайёргарлик босқичларини ҳозирги замон талабларига мослаштира биладиган, тарбияланувчиларни креативликка ўргатадиган, мактабга тайёргарлик босқичи дастури талабларига жавоб бера оладиган қилиб шакллантиришда коммуникатив компетенция ва унинг таркибий компонентларини эгаллаши ва амалиётда қўллай олиши лозим бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2019 й. ПҚ-4312-сон "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори. <https://nrm.uz/>
2. Г.Н. Ибрагимова., Бўлажак мактабгача таълим тарбиячиларини касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш тизими. Пед. фан. док ...дисс.Т., 2021.-230 б.
3. А.А. Бодалев.- М.: Международная педагогическая академия. 328 с. – режим доступа: <http://gra.cfuv.ru/courses/os-ped- PDF> (дата обращения 10.02.2019)
4. Н.В. Шкроб., К вопросу о формировании коммуникативной компетентности курсантов высших образовательных учреждений МЧС России/Н.В. Шкроб//Сибирский пожарно-спасательный вестник. – 2018. - № 2 (9), - С. 64-69.
5. Aliqulov S.T, Azizov O.E., The structure and content of the system for the formation of communicative competencies of future teachers. current research journal of pedagogics 2(6): 141-151, June 2021 DOI: <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-02-06-27> ISSN 2767-3278 ©2021 Master Journals
6. Азизов О.Э., Педагогика коллежи ўқувчиларига коммуникатив компетенцияларнинг таркибий қисмлари. Наманган давлат университети – илмий ахборотномаси. ОАК Журнал. 2021й.11.02 (2-сон)
7. Азизов, О. Э. (2022). Бўлажак тарбиячиларнинг коммуникатив компетенцияларини ўқув-илмий жараёнларда ривожлантириш. Science and Education, 3(12), 693-702.
8. Азизов, О. (2022). Педагогика коллежи ўқувчиларининг коммуникатив компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда инновацион ёндошув. Boshlang'ich ta'limda innovatsiyalar, (1).